

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

16.12.2022 йил

Наманган шаҳар

Наманган шаҳар ҳокимлиги томонидан 2022 йил 12 декабрдаги **22110012200747** лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 56-58-моддалари талабларидан келиб чиқиб, харид қилиш тартиб-таомилларининг энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича, маиший техникалар сотиб олиш учун харидларни амалга ошириш режалаштирилган. Шунга асосан, белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 61-62-моддалари талабларидан келиб чиқиб, танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “SWEET TASTE SERVICE” МЧЖ томонидан берилган таклифлари комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёни бўйича расмийлаштирилган кунда давлат харидларини электрон тизимига муҳокама қилиш учун жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин деб ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугагандан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Наманган шаҳар ҳокимининг  
биринчи ўринбосари:

Бош ҳисобчи:



Р.Исақов

И.Гиясов

# Шартнома

Наманган шаҳар

№ 22/12

2022 й. "16" декабрь

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «SWEET TASTE SERVICE» мчж номидан иш кўрувчи А.Ақбаралиев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Наманган шаҳар ҳокимлиги номидан бюджет ташкилоти биринчи ўринбосари Р.Исақов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги маиший техникалар (кейинги ўринларда "товар" деб юритилади)ни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати қуйидагича белгиланган.

№	Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Мик-дори	Нархи	Суммаси
1	<b>Электр арра</b>	дона	1	6 149 000	6 149 000
	<b>Жами</b>		1		<b>6 149 000</b>

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **6 149 000 (олти миллион бир юз қирқ тўққиз минг)** сўмни ташкил этади.
- 2.2. "Харидор" олинadиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30% аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- 2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддат ичида товарларни "Харидор"га етказиб беради.
- 2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.
- 2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:  
"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;  
"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;  
Етказиб бериладиган маҳсулотлар қийматини ҳаққонийлиги «Харидор» зиммасида булади.
- 3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:  
Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;  
Маҳсулотларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилиши деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳаққидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.2. Етказиб берилган товарлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товарлар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ( ёнгин, сув тошқини шу каби енгиб бўлмайдиган кучлар ) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Ўтказиб берувчи» томонидан тасдиқлангандан сўнг Наманган шаҳар бўйича Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Ўтказиб берувчи»  
«SWEET TASTE SERVICE» мчж

«Буюртмачи»  
Наманган шаҳар ҳокимлиги

Адрес: Наманган шаҳар

Адрес: Наманган шаҳар Хуррият кўчаси

х/р:  
Банк: Қишлоқ қурилиш банк  
МФО: 00229  
ИНН: 308594521

х/в\*\* 305022860144017109601018001  
ИНН 200056859  
ОКОНХ  
Ўзб. Рес. Молия Вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна х/в 23402000300100001010

Раҳбар  
(имзо) (Ф.И.Ш) А. Акбаралиев

Вазирнинг номи Марказий банк Тошкент МФО 00014

Шаҳар ҳокимининг  
Биринчи ўринбосари  
(имзо) Р. Исаков

Юрист  
Лицензия рақами №

Иш жойи